Ушбу сонда:
2 — *Биздан обод ва озод Ватан қолсин* САВОЙ ЛАВҲАЛАРИ
3 — ЯНА ИККИ ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ
4 — *Меросимизни ўрганамиз* МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 29 сентябр, чоршанба № 157 (1790)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ФЕРМЕР ОРОМГОҲНИ ОТАЛИҚҚА ОЛМОҚЧИ

***Навоий вилоятидаги «Ўзбекистон» болалар оромгоҳи ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг энг севимли масканларидан бирига айланади. Сўлим ҳамда шинам қилиб безатилган масканда бу йил Навбаҳор, Нурота, Конимех туманларидан келган ҳамда Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан 600 нафари дам олдирилди. Уларнинг анчагина қисми кам даромадли оилаларнинг фарзандлари бўлиб, улар учун кетган барча сарф-харажатлар касаба уюшмалари ҳисобидан қопланди.***

Оромгоҳни ободонлаштириш, таъмирлаш ва жиҳозлашда тумандаги «Сармиш», Охунбобоев номли, Наврўз, «Истиқлол», «Янгиқўрғон ширкат хўжаликлари жуда катта ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Фермер хўжаликлари томонидан кўрсатилган ҳомийлик кўмаги 1 миллион сўмдан ошди. Жумладан, агросаноат мажмуи ходимлари Навбаҳор тумани касаба уюшма қўмитаси раиси Юнус Тўраев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги олинган фойда ҳисобидан 569 минг сўм маблағ ажратди. Фермер хўжалиги келгуси йилдан бошлаб оромгоҳни тўла ўз оталиғига олмоқчи.

**С.ЯРАШЕВ**

---

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Ш.Нурматовни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Шермат Нурматов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 сентябр

---

*Инсонга наф келтириш — олий бахт*

## КЎНГИЛ ГУЛ КАБИ НОЗИК

***Андижон туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида иш кунлари доим тиғиз. Раис ўринбосари Шукрулло Хонхўжаевнинг нигоҳи компьютерга қадалган бўлса-да, қулоғи бўйнига қистирилган телефон гўшагида. Пахта тозаловчилар касабачиларидан кимдир Шукрулло ака билан уланган. Тунги сменада ишловчиларга қўшимча иш ҳақи тўлаш масаласида фикрлашяпти. Яна бирови чорва фермасидан қўнғироқ қилиб, ёш боласи бор оналарни қисқартирилган иш кунига ўтказиш ҳақида маслаҳатлашмоқда.***

Шу пайт касабақўмга «Ойдинбулоқ» ширкат хўжалигидан пиллачилик бўйича бош пудратчи Ҳурматой Неъматиллаеванинг ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги хабар етиб келди. Шукрулло ака бу ҳақда тармоқ қўмитаси раиси Ахмадилло Қосимовга ахборот берди. Раис учун ҳам, ўринбосар учун ҳам ходимни ноқонуний ишдан бўшатиш «сира кутилмаган ҳодиса» эди. Чунки тармоқ битишувларида меҳнат шартномаларини асоссиз бекор қилиш қатъий ман қилинган. Қолаверса, Ҳурматой опа серфарзанд оиланинг рўзғорбошиси.

Ахмадилло вилоятдаги «тишланган жойидан узадиган», меҳнат қонунчилигининг бузулишига нисбатан муросасиз касабачилардан. Вақти билан андишани ҳам жойига қўя билади, ижтимоий шерикчилик санъатини яхши эгаллаган. Ана шу сифатлар унга ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ш.Шахобов билан мулоқотда қўл келди. Ҳурматойнинг ҳимоясидан ўзини четга олган касабақўм раиси Олимжон Қосимовнинг фаолиятсизлиги ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. Охири бошқарув раиси Меҳнат Кодекси талабларига зид иш тутганлигини тан олди. Натижада моҳир пиллакор ўз ишига тикланди. Бекор юрган 6 ойлик мажбурий таътил кунлари учун иш ҳақи унинг фойдасига ундирилди. Бу иш берувчи учун «яхшигина сабоқ» бўлди.

Тармоқ қўмитаси ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини жамоа шартномалари орқали амалга оширишга эътиборни қаратмоқда. Иш ҳақидан қарздорлик масаласи раёсат мажлисларида 6 марта муҳокамадан ўтказилди. Ойлик маошларни ўз вақтида тўланиши талаб қилиниб, мансабдор шахсларга 4 марта огоҳлантириш хатлари ва тақдимномалар жўнатилди. Раёсат мажлисларининг бирида пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақидан қарздорликка барҳам бериш бўйича жамоа шартномаларидаги бандларнинг ижроси қараб чиқилди. Корхона бошқаруви раиси Солижон Тўхтасиновнинг ҳисоботи эшитилди. Йиғинда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги иш ҳақи тўловларидаги қарздорликни тугатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ушбу корхоналарда суст бажарилаётганлиги таъкидланди. Тола ҳақларини ўз вақтида бермаётган вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси, вилоят марказий банки маъмуриятлари муаммо ечимини топишга жалб этилди. Шу йўл билан 42 миллион сўмлик муддати ўтган иш ҳақлари ундирилиб, ишчиларга тарқатилди.

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари орқали тартибга солишга тармоқда алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада касабақўм билан туман ҳудудида жойлашган вилоят насослардан фойдаланиш станцияси ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ушбу ишхонада жамоа шартномалари асосида меҳнат муҳофазасининг ташкил этилиши касабақўм томонидан таҳлил қилингандан кейин ижобий ўзгаришлар юз берди. Касабачилар иш ҳақининг оширилиши, хавфсиз-хатарсиз меҳнат шароити яратиш, меҳнатни рағбатлантириш бўйича жамоа шартномасида белгиланган талабларни маъмурият олдига дадиллик билан қўя бошлади. Натижада корхонада ойлик маош 40 минг сўмга кўтарилди. Ҳар бир ишчининг ижтимоий ҳимоясига сарфланган пул маблағлари ярим йилда ўртача 42 минг сўмга етди. Ишчиларнинг бепул иссиқ овқат, зарарли ишларда ишловчилар учун махсус кийим-бош, парҳез таомлар билан таъминланиши шулар жумласидандир.

Тармоқ қўмитаси вилоятдаги йирик касаба уюшмаларидан биридир. Тасарруфида 43 та бошланғич ташкилот, 22 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси фаолият юритмоқда. «Меҳр ва мурувват йили» давлат Дастури бўйича меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги ишлар кўламини таъкидлаш жоиз. «Боғишамол» даҳасида 200 ўринли болалар оромгоҳи қайта таъмирланиб, ярим миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Ҳар бир боланинг кундалик овқатланишига ўрта ҳисобда 1100 сўмдан харажат қилинди. Пахта йиғим-терими арафасида ҳокимлик ташаббуси билан касаба уюшма фахрийлари ҳамда кам таъминланган оилаларга хайрия дастурхони ёзилди. Боқувчисини йўқотган 36 та оилага ҳомийлар кўмаги билан янги уй-жойлар қуриб берилди.

Аҳолини соғломлаштиришда жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларининг аҳамияти катта. Шу боис тармоқ битишувлари ва жамоа шартномаларига соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш баробарида, аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадлари кўзда тутилган.

Биргина «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги ҳудудидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 400 нафарга яқин ёшлар шуғулланмоқда. Тумандаги 8 нафар спорт устаси, 9 нафар спорт усталигига номзодлар вилоят ва республика беллашувларида фаол қатнашмоқда. Хартум қишлоғилик Баҳодир Султонов Афинадаги XXVIII ёзги олимпиаданинг бокс мусобақаларида қатнашиб, бронза медали соҳиби бўлди. Куйганёр шаҳарчасидан Тоштемир Абдуқодиров тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган шашкачилар шахсий биринчилигида мамлакатда пешқадамлик қилди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

## ЯНГИ БОЗОР

**фойдаланишга топширилди**

***Наманган туманининг маъмурий маркази ҳисобланган Тошбулоқ шаҳарчасида янги бозор қуриб, фойдаланишга топширилди. Замонавий тусда қад ростлаган бозор қурилиши учун 46 миллион сўм маблағ сарфланди.***

Илгари бу ердаги маҳсулотлар растаси аралашган ҳолатда жойлашган эди. Қишнинг совуқ, ёзнинг иссиқ кунларида сотувчи ва харидорлар учун кўплаб ноқулайликлар туғиларди. Барча қулайликларга эга янги бозорда эса 240 ўринли савдо заллари ташкил қилинди. Таъкидлаш керакки, янги бозор қурилишини «Бинокор-2000» қурилиш-таъмирлаш кичик корхонаси бунёдкорлари қисқа вақт ичида бажаришди. Шунингдек, туман автомобил йўллари бошқармаси, «Агрокимётаъминот» акциядорлик жамияти, 161-автокорхона ҳамда бир қатор ширкат ва фермер хўжаликлари жамоалари ҳам бу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшдилар.

**А.СОҲИБОВА**

---

Кува Фарғона вилоятининг энг йирик туманлари сирасига киради. Айниқса, мевачиликка ихтисослашган Шароф Рашидов номидаги «Анор» ширкат хўжалигининг ўрни бўлакча.

Хўжаликда мавжуд 710 гектар мевали боғ ижарачиларга бўлиб берилган. Шундан 238 гектарини анор, 472 гектарини мевали боғлар ташкил этади. Жамоанинг мақсади бу йил 1141 тонна анор ва 224 тонна беҳи етиштиришдир.

**Суратда: ижарачи А.Саидов ва хўжалик бош ҳосилоти А.Қорабоевлар.**
**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**



---

## ДАРОМАД ЭВАЗИГА СПОРТ МАЖМУАСИ

***Жорий йилда Булоқбоши тумани Мамажон ота фермер хўжалиги раҳбари Тожибархон Отақўзиева спорт мажмуаси қуришни режалаштирмоқда.***

- Икки қишлоқ ўртасида қуриладиган спорт мажмуасида қишлоқ болалари спортнинг йигирмадан зиёд турлари билан шуғулланишади, - деди Т. Отақўзиева "Туркистон-пресс" мухбирига. - Айни пайтда хўжалик йигирма тўрт гектар майдонга эга. Унинг ярмида пахта, ярмида эса буғдой етиштирилади. Бу йил фермер хўжалиги ҳар гектар ғалла майдонидан 60 центнердан ҳосил кўтарди. Бундан хўжаликнинг ялпи даромади 5 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 3,5 миллион сўми эса соф фойда ҳисобланади.

Бугунги кунда хўжалик аъзолари пахтадан 12 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб туришибди. Шу олинган даромадлар ҳисобига спорт мажмуасини қуриш мўлжалланмоқда.

---

*Бошланғич ташкилот — кўп ишга қодир*

***Чироқчи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида бўлганимизда «Меҳнаткашлар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари қай тарзда бажарилаётганлиги билан қизиқдик. Қўмита раиси Абдурайим Ҳайдавалов мақсадимизни тушунгач, қўлимизга «Ариза ва мурожаатларни қайд этиш дафтари»ни тутқазди.***

## АРИЗАЧИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Бу ерда меҳнаткашлар мурожаатлари асосида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек ташкил этилган. Қайд этиш дафтарида аризалар рўйхатга олиниб, сўнг уларни ҳал этиш учун тадбирлар белгиланади. Мурожаат қилаётганларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб, улар ўз хатларига ижобий жавоб олишмоқда.

– Аризаларнинг асосий қисми ижтимоий соҳага тааллуқли бўлиб, уларни вақтида ҳал этиш учун барча имкониятни ишга солмоқдамиз, - дейди қўмита раиси Абдурайим Ҳайдавалов. – Масалан, 5-ўрта мактаб ўқитувчиси Замира Аннабозорованинг аризаси қўмита йиғилишида ўрганиб чиқилгач, бир неча ой 2 ёшгача бўлган боласи учун нафақа пулини ололмай келаётгани ҳақидаги муаммоси ўз ечимини топди.

«Наврўз» болалар боғчаси ходими Саида Алиқулова меҳнат таътилидан сўнг ўз иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттириши хусусида ёрдам сўраб мурожаат қилганди. Ходим касаба уюшма қўмитаси аралашувидан сўнг ўз ишини давом эттиришга муваффақ бўлди.

«Кўкдала» болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази тўгарак раҳбари О.Шаптоқова, 167-мактаб директори Б.Махмановаларнинг ҳам мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Айни пайтда ўз атрофига 10 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзосини бирлаштирган туман қўмитаси тасарруфида 198 та бошланғич ташкилот бўлиб, ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш яхши йўлга қўйилган. Жамоа шартномасида кўрсатилган бандларни бекаму кўст бажариш учун аниқ дастурлар ишлаб чиқилган.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Бадиий гимнастика*

## ОСИЁДА БИРИНЧИ МАРТА

### эртага Тошкентда Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали-2004» турнири бошланади

***Бу ҳақда аввал ҳам гапирилган, ҳозир ҳам гапирилмоқда, бундан кейин ҳам гапирилажак. Спортсиз инсон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин. У турли кўринишда, актив ва пассив қизиқиш тариқасида намоён бўлиши мумкин, лекин барибир мазкур туйғу ҳеч кимга ёт эмас – у ҳалол баҳс туйғусидир.***

Спортнинг қайси тури бўлмасин, айнан шу туйғугина одамларни бир-бирига яқинлаштиради, бир-бирига танитади. Айнан спортдагина мағлуб ўзидан устун келган рақибини эҳтиром ила ғалаба билан қутлаши, ҳавас қилиши ва у эришган чўққини забт этишни ўзига мақсад қилиб қўйиши мумкин. Куч ва истеъдод уйғунликда жозиба касб этган спорт беллашувларини завқу шавқ билан томоша қилишимиз, ҳаётий неъматлар қаторига қўйишимиз ҳам аслида шундан.

Ҳеч кимга сир эмас, мустақилликдан сўнг мамлакатимизда жуда кўплаб халқаро турнирлар – минтақавий, қитъа ва жаҳон биринчиликлари ўтказилди ва ўтказилмоқда. Эндиликда биз бунга ўрганиб қолдик ҳам. Теннисми, боксми, курашми – марҳамат, қучоқ очиб кутиб олишга ҳозирмиз, бу биз учун янгилик эмас қабилида анчайин вазмин ва босиқлик билан қарши олаётганимиз ҳам бежизга эмас. Йиллар ўз муҳрини босди – анча тажриба орттирдик. Нима бўпти, турнир бўлса турнир-да! Аммо, буниси...

Олдиндан айтиб қўя қолайлик. У ёки бу мусобақа учун жой танланаётганда ўта жиддий муносабатда бўлинади. Ҳеч нарса назардан четга қочирилмайди. Ҳар томонлама ўйлаб кўрилади. Шу маънода бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи – «Шарқ гўзали - 2004» турнирининг Тошкентда ўтказилишини, энг аввало, Ўзбекистонда спорт ва жисмоний тарбияга бўлган муносабатнинг яна бир эътирофи, деб қарамоқ керак. Афинада бўлиб ўтган Олимпиадада қатнашган 202 мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида 34-ўриннинг эгалланиши, қолаверса, турли халқаро мусобақаларда мунтазам равишда вакилларимиз совринли ўринларни эгаллаб келаётганлигига билдирилган ҳурмат-эҳтиром сифатида қабул қилиш ҳам мумкин.

Дарвоқе, эртага Тошкентда очиладиган «Шарқ гўзали» турнири нафақат Марказий Осиёда, балки Осиё қитъасида биринчи марта ўтказилиши шак-шубҳасиз, спортнинг бу нафис тури юртимизда янада ривожланиши учун ҳам ўзига хос туртки бўлади.

Эътироф этишимиз лозим: ушбу турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева, Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина ва спорт усталигига номзод Рита Алимовалар ҳам баҳсларга қизғин ҳозирлик кўрдилар. Айниқса, Олесянинг бу йил Осиё чемпионатида эришган муваффақияти унинг яхши спорт формасида эканлигини тасдиқлайди. У бронза медали соҳибаси бўлди. Анастасияни эса мухлислар бундан икки йил муқаддам ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақаларидан яхши танишади. Ўшанда вакиламиз фахрли бешинчи ўринни эгаллаган эди.

Мутахассислар, айниқса, ёш умидли гимнастикачи Рита Алимованинг машғулотларига жиддий эътибор қаратмоқдалар. У ушбу турнирга Москвадаги олимпия тайёргарлиги марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ирина Винер қўл остида ҳозирлик кўрди. Табиийки, у бу ерда жаҳонда етакчи бўлган бадиий гимнастика юлдузларини учратди, маълум маънода улардан дарс олди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беришига ишонамиз.

Турнир чиндан-да гўзаллик ва нафосат байрамига айланиб кетишига шубҳа йўқ. Кимсан, уч карра жаҳон ва тўрт карра Европа чемпиони, олимпия ўйинлари ғолибаси собиқ ватандошимиз, ҳозирда эса Россияда истиқомат қилаётган Алина Кабаева ва кўплаб нуфузли турнирлар совриндори Ирина Чашина каби спорт грандлари қатнашади-ю, бошқача бўлиши мумкинми ахир! Исроил, Польша, Хитой Тайпейи, Грузия сингари жами ўн икки мамлакат спортчилари орасида ҳам жуда кўплаб иқтидор эгалари бор.

Кимга шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиш насиб этади? Ҳадемай биз бу саволга жавоб оламиз. Энг қувонарлиси, ушбу жараён бизнинг кўз ўнгимизда халқаро андозаларга мос равишда мусобақаларга тахт қилиб қўйилган «Ўзбекистон» спорт мажмуида кечади ва бу, умид қиламизки, ўзидан сурурли хотиралар қолдиради.

**З.РИХСИЕВ**

---

## УНИВЕРСИТЕТДАГИ УЧРАШУВ

***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Хитой Халқ Республикаси олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.***

Истиқлол шарофати билан ташкил этилган ушбу университет кўплаб давлатлар қатори Хитойдаги олий таълим муассасалари билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ва Хитой раҳбарларининг юртимизга ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон тиллари университетида хитой тили бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўзбекистонлик ўнлаб талабалар шу кунлари ўз мустақиллигининг 55 йиллигини нишонлаётган Хитойдаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтяпти.

Кечада университет талабалари ижросида ўзбек ва хитой тилларидаги қўшиқлар янгради.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасиинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшэн иштирок этди.

**(ЎзА)**

---

*Ажаб савдолар*

***Қўшҳовуз Каттақўрғон тумани маркази Пайшанбадан 15 чақиримча олисликда жойлашган, миришкор одамлари, таърифи тилларга тушган майизи билан ном қозонган қишлоқ. Бу масканга кираверишингиз билан кўз ўнгингизда ястанган боғ-роғлар, шарқона услубда қурилган шинам уйлар эътиборингизни тортади. Афсуски, кейинги пайтларда бу ерда содир этилган воқеалар кўпчилик тинчини бузди, ҳам ажаблантирди, ҳам ранжитди.***

## НОМИ МАКТАБ ЖУРНАЛИДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН...

«2003 йил бошларида «Қўшҳовуз» ширкат хўжалигига раис этиб Рустам Шомуродов, ҳуқуқшунос этиб Абдуғани Абдуллаев буйруқлаштирилди, – дейди ўз шикоят хатида Бозорбой Ризаев. – Улар ишни ерни одамларга ижарага беришдан бошлашди ва ҳар гектар ер учун 2-3 минг сўмдан пул олиб, 610 гектар ерга ғалла экишди. Ғалла мўл бўлди. Аммо ҳосил ҳар хил йўллар билан талон-торож қилинди. Ширкат фермер хўжалигига айлантирилгач 2004 йил бошигача ўтказилиш керак бўлган тендер шу йилнинг март ойида номигагина ўтказилди ва қалбаки ҳужжатлар асосида омборхона, гараж, насос станцияси жиҳозлари арзон нархда сотиб юборилди. Натижада Каттақўрғон туман прокуратураси шикоят асосида тафтиш ўтказиб, айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатди». Айблов нечоғлик ҳақ ёки ноҳақ эканини эса суд белгилайди.

Бозорбой Ризаевнинг айтишича, Шомуродовлар бунинг учун ундан ўч олиш йўлига ўтишган. У ўғлининг уйида ухлаб ётганида Рустам Шомуродовнинг турмуш ўртоғи Ойшакар Шомуродова бостириб келиб кийимларини йиртиб урган. Бу ҳам етмагандек аёл оғир жароҳат олиб даволанганлиги факти билан ички ишлар бўлимига мурожаат қилган. Қизиғи шундаки, О.Шомуродова даволанганлиги ҳақидаги маълумотнома ва экспертиза хулосаси негадир ўзлари яшаётган Каттақўрғон туманидан эмас, қўшни Хатирчи туманидан олинган. Бу аризада келтирилган фактларда қанчалик ҳақиқат борлигига ҳам тергов ва суд ўзининг холис ва адолатли баҳосини беради, албатта.

Ҳозир эса мана бу хат матни, журналист суриштируви пайтида аниқланган қуйидаги ғаройиб ҳангомаларга эътибор қаратсак. Хуллас, ҳуқуқшунос Абдуғани Абдуллаевнинг ХТБ ва мактаблардан берилган маълумотнома ва билдиргиларда гоҳ Махлиё, гоҳ Шахноза деб қайд этилган (Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва ўрта мактабни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатномада Шахноза деб ёзилган) қизи Қўшҳовуз қишлоғидаги 68-мактабнинг 9-синфини аъло баҳоларга битиргач, ўқишни бошқа бирон билим даргоҳида давом эттириш фикри билан шаҳодатнома олишади. Лекин, Шахноза на билим юртида, на мактабда ўқишни давом эттирган. Орадан бир ярим йил вақт ўтиб, тенгқурлари 11-синфнинг иккинчи чорагини якунлаганда унда ўрта мактабни битирганлик ҳақида ҳужжат олиш иштиёқи туғилади ва бу иш ҳамирдан қил суғургандек осонгина бажарилади. Хўш, бу жараён қандай кечди. 9-синфдан 11-синфнинг учинчи чорагигача бўлган бўшлиқ нима билан тўлдирилди?

«68-сон умумтаълим мактаби директори вазифасини бажарувчи Примов Б. томонидан мактабга янгидан қабул қилинган ўқувчига ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома сўраб мурожаат қилинди, – деб ёзади Каттақўрғон туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Абдулла Маматқулов. – Мен директорга рад жавоби бердим. Чунки, қоидага кўра 9-,11-синф ўқувчиларига мактабга қабул қилинганлик тўғрисида ТХТБнинг буйруғи чиқиши шартлиги, ваҳоланки, 68-мактаб маъмурияти томонидан 9-синфлар учун 73 та,11-синфлар учун 55 та буюртма берилганлигини маълум қилдим. Менинг бу эътирозимга мактабнинг собиқ директор ўринбосари (айни пайтда директори) Холмуродов бу қиз аслида ўзимизнинг мактаб ўқувчиси, фақат 10-11-синфларни Хатирчида ўқиган, ҳозир янги йилдан буён шу мактабда ўқияпти, барча ҳужжатларни келтираман, барчаси қонуний деб ишонтирди. Мен ҳужжатлар тўлиқ келтирилмагунча вилоят ХТБга буюртма бермаслигимни айтдим. Бу орада Холмуродов Абдузоир мактаб директорлигига тайинланди ва менга тегишли ҳужжатларни келтирди. 11-синф журналини кўрдим. Абдуллаева М. 2003-2004 ўқув йилининг 3-,4-чорагида тўлиқ баҳоланган. Ўқувчининг собиқ мактабидан унинг ҳақиқатан ҳам ўша ерда ўқиганини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ етказилгач қонуний асосда ўқувчига 11-синфни тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатномани мактаб директори Холмуродовга бердим».

(Давоми 2-бетда)

*Биздан обод ва озод Ватан қолсин*

# САВОЙ ЛАВҲАЛАРИ

***«Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат Дастури»да давлат идоралари, жамоа тузилмалари, ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдами зарурлиги алоҳида таъкидланган. Зурриётларимизга бағрикенглиги, меҳр-оқибати, ҳомийлик кўмаги билан давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўшаётган мутасаддилар Андижон вилоятида оз эмас.***

Катта йўл ёқасидаги муҳташам бинога тезроқ кўчиб ўтишни Қўрғонтепа туманидаги «Савой» ширкат хўжалиги маъмурияти жамоаси орзиқиб кутарди. Чунки тўкилай деб турган ноқулай хоналарда ишлаш кўнгилга текканди. Қишда табиий газ билан иситилган, ёзда салқин, тоза ичимлик суви билан таъминланган, кенг ёруғ хоналарда ишласангиз, дилингиз равшан тортади, ишда унум бўлиши табиий.

Ширкат касабақўми маъмурий идора ходимларига жамоа шартномасида белгиланганидек, қулай меҳнат ва маиший шароит яратиш, меҳнат муҳофазасига эришиш учун янги ишхонани тиклашда иш берувчи билан ёнма-ён туриб жонбозлик кўрсатди.

Бироқ ширкат бошқаруви раиси Рустамжон Абдуллаев нима учундир янги бинога кўчиб ўтишга унчалик шошилмасди. Ҳар куни туман марказидаги мактабга 3-4 километр масофадан қатнайдиган 43-мактаб ўқувчилари кўз олдидан ўтиб турарди. Қишқировли кунларда йўловчи машина кутиб бекатда турган болакайларни раис бир неча бор машинасига ўтқазиб, мактабга олиб бориб қўйган.

Рустамжон охири туман ҳокимига учрашиб, маъмурий бинони ҳудуддаги 43-мактабга фойдаланишга топшириш истагини билдирди. Ҳоким бу ташаббусни маъқуллади. Бу хушхабар ширкат идораси ходимларига ҳам манзур бўлди. Сабаб, уларнинг ўғил-қизлари туман марказига қатнаб, анча масофани босиб ўқирдилар.

Мазкур мактабнинг маъмурий бинода янги ўқув йилини бошлаши айни муддао бўлди. Қурилишни лойиҳалаштириш ва тиклаш учун ширкат томонидан 100 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Эндиликда бу ерда 802 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 50 нафар ўқитувчи устозлик қилмоқда. Мактабда ёшларнинг пухта билим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Синфхоналар табиий газ ёрдамида иситилади. Тоза ичимлик сув келтирилган. Волейбол ўйингоҳи, кутубхона болакайлар хизматида. Яқин кунларда бу ерда ошхона иш бошлайди. Маъмурият яна бир хайрли ишга қўл урди. Мактабга янги русумдаги компьютер совға қилди.

Хўжалик қишлоқларни ободонлаштириш, шу асосда турмуш маданиятини яхшилашга эътиборни кучайтирмоқда. Гузар, 1-бўлим ўрамида маҳалла фуқаролар йиғини учун бино тикланди. «Бўстон» кўчасига табиий газ, ичимлик суви қувурлари тортилди. Маҳалла биносида милиция таянч пункти, кутубхона ишлаб турипти. Тикланаётган қишлоқ врачлик пункти ҳам яқин кунларда аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлайди.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси яхши йўлга қўйилган. Экинзорлар ижарачиларга шартнома билан бўлиб берилган. Кейинги йилларда пахта ҳосилдорлиги 2 бараварга, ғалла ҳосилдорлиги 3 бараварга ошди. 2-3 йил мобайнида дон етиштириш 18 центнердан 60 центнерга кўтарилганлиги боиси шундан. Жорий йилда 1000 тоннага яқин буғдой ижарачиларга иш ҳақи сифатида берилди. Камхарж оилаларга, ногиронларга бепул ғалла тарқатилди.

Айтилгандек, давлат дастури ижросини амалга оширишда ҳомий ташкилотлар оталиқ мададини аямаётирлар. Бу ҳақда туман халқ таълими бўлими мудири Исомиддин Зайнобиддинов биз билан мулоқотда шундай дейди:

— Ширкат хўжалигига тегишли бинони мактабга топшириш тақдимоти маросими байрамга айланиб кетди. Бошқарув раиси мурувватидан ота-оналарнинг бошлари осмонга етди. Ширкат маъмурияти ҳудуддаги 3 та умумтаълим мактабига мунтазам ҳомийлик қилиб келмоқда. 44-мактабга 3 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан компьютерлар харид қилишга кўмаклашди. 3-мактабни таъмирдан чиқариш билан бирга болаларга янги телевизор ҳадя қилди.

Мудирнинг гувоҳлик беришича, давлат дастурини бажарилиши юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бўлимининг ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Ҳокимлик қарори билан мавжуд 50 та умумтаълим мактабнинг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида ширкат хўжаликлари уларга бириктиб қўйилган. Кўриняптики, халқ таълими ривожига бутун жамоатчилик масъул. Масалан, Дардоқ қишлоқ Муқур аҳоли мавзесида «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳомийлигида 22-мактаб учун қўшимча 5 та синф хонаси қурилди. «Қизил тўқай» аҳоли манзилгоҳида «Дардоқ» ширкат хўжалиги мутасаддилигида лойиҳа қиймати 120 миллион сўмлик, 300 ўринли янги 24-умумтаълим мактаби қад ростлаяпти. «Бирлашган» ширкат хўжалиги ҳиммати билан шу номли қишлоқдаги 42-мактаб биноси спорт иншоотлари қайта таъмирдан чиқарилди. «Намуна» ширкат хўжалигида қурилиши тугалланмаган қўш қаватли 800 ўринли мактаб бугун-эрта болаларни ўз бағрига олади.

**Р.СОБИРОВ**

*Ислоҳот мевалари*

# МАРКАЗ АНИҚ ТАШХИС ҚЎЯДИ

***Чор-атрофи манзарали дарахтлар, анвойи гулларга бурканган тўрт қаватли муҳташам мажмуа ўзининг ям-яшил ҳудуди билан шифохонадан кўра кўркам оромгоҳни эслатади. Раҳбариятнинг ташаббуси ва тадбиркорлиги туфайли Қашқадарё вилоят ташхис маркази йил сайин ободонлашиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Марказнинг асосий вазифаси замонавий ташхис усуллари ва воситаларини кенг тадбиқ этиш, беморларни қисқа муддатда ҳар томонлама чуқур текширишдан ўтказиб, даволаниш муддатларини камайтириш, шаҳар ва туман шифохоналарига амалий методик ёрдам кўрсатишдан иборат.***

Соғлом юртнинг келажаги буюк бўлади. Мамлакатимизда «Тиббиётни ислоҳ қилиш тўғрисида», «Она ва бола», «Соғлом авлод» давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳам инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

– «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, баркамол авлодни шакллантириш дастури ишлаб чиқилган, – дейди марказ бош шифокори Ҳ.Сайфиев. – Йиллар ўтиши билан марказ малакали кадрлар билан таъминланиб, хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бормоқда. Тиббий ташхис маскани ва шифохонаси хорижда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги ҳакимлар юмушини осон қилиб, хасталикларни тез аниқлаш имконини бераяпти.

Бир кеча-кундузда 500 бемор қабул қилинадиган поликлиниқа, ётиб даволанадиган 145 ўринли шифохона ишлаб турибди. Функционал ташхис қўйиш, лаборатория, сурдология, оила ва никоҳ, гинекология ҳамда терапия, ревмакардиология, жарроҳлик каби хўжалик ҳисобидаги 5 та бўлим ташкил этилдики, уларда хизмат қилаётган малакали ҳакимлар ва ўрта маълумотли тиббий ходимлар фақатгина ўзларининг муолажаларигина эмас, балки ширин сўзлари билан беморлар дардига дармон бўлишаяпти.

Давр талаби билан ташкил этилган «Оила ва никоҳ» бўлими йигит-қизларнинг соғлиғини аниқлаш ва тиклашда катта ҳисса қўшмоқда. Олий тоифали акушер-гинеколог Мавлуда Нишонова раҳбарлик қилаётган бўлимда Т.Қурбонова, Н.Анварова, О.Мўминова, М.Аҳадова, Б.Каримов каби малакали шифокорлар меҳнат қилишади.

Аёллар ва эркаклар орасида бепуштлик, унинг сабабларини ўрганиш ва даволаш, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг зарарини тушунтириш ва олдини олиш, янги турмуш қураётган келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш, тегишли маслаҳатлар бериш, оилада тиббий маданиятни ошириш ва репродуктив саломатликни яхшилашда бўлим ходимларининг хизмати беқиёс.

Шифокорнинг қалби оқ халатдек беғубор бўлмоғи керак. Бу ерда меҳнат қилаётган, ўзининг бутун куч-ғайрати, билим ва тажрибасини эл саломатлиги йўлида сарфлаётган шифокорларнинг номларини ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

– Мақсадимиз фуқароларга ҳозирги замон тиббиёт талаблари асосида хизмат кўрсатишдан иборат, – дея суҳбатни давом эттиради жамоа раҳбари. Яқин келажакда марказнинг бўлимлари ва иш тизимини қайта ташкил этиб, беморларга уй шароитида текшириш ва тиббий ёрдам кўрсатишни ҳам йўлга қўямиз. Физиотерапия бўлими қайта таъмирланиб, марказ тўлиқ компьютерлаштирилади. Бальнеологик даволаш физкультураси ва балчиқ билан муолажа қилиш хоналари очилади. Лапороскоп аппарати ёрдамида жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади.

Марказда хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган. Унга кўра ривожланган давлатлар тиббиётини ўрганиш учун Интернет хизматидан фойдаланилади. Ҳаким ва ҳамшираларнинг малакаларини ошириш мақсадида республика ва хорижий давлатлар тиббиёт муассасаларига ўқишга юборилади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Ангор туманидаги Шароф Рашидов номилиги ширкат хўжалиги бу йил 750 гектар майдонда пахта етиштирди. Хўжалик миришкорлари гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш режаси билан қизғин ишламоқдалар.

Ҳозир далада 6500 теримчи кунига йиллик режанинг 4 фоизини териб, хирмонга тўкмоқда. Айни пайтда эса хўжалик 75 фоиз йиллик шартнома-режасини бажариб, туманда пешқадамликни ушлаб турибди.

Иш бу даражада уюшқоқлик билан олиб борилишига ерларни 25 та оилавий пудратга бўлиб берилгани натижасидир.

Айни пайтда хўжалик далаларида терим авжида.

**Суратда: теримчи Анора Турдиева.**
**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат**

*Орамиздаги шумғиялар*

***Қарши шаҳар «Ўзбекистон» кўчасида жойлашган дўкон сотувчиси Бахтиёр Тошев харидорлар камлигидан хаёл суриб ўтирганди. Шу пайт қирқ беш ёшлар чамасидаги киши кириб келиб дўкондаги молларни синчковлик билан кўздан кечира бошлади. Сотувчи бирор нарса харид қилса керак, деб унинг оғзини пойлади. Орадан анча вақт ўтгач, ҳалиги киши ўзини вилоят автомотоҳаваскорлик клуби ўқитувчиси Наби Хўжаев деб таништирди.***

# ФИРИБГАР

Табиийки, ким қайси соҳада ишласа, гап мавзуи кўпинча шу ҳақда кетади. Наби Хўжаев ҳайдовчиликка ўқиб, гувоҳнома олаётганлар тўғрисида сўз бошлади. Хуллас, улар ўртасида бошланган суҳбат Бахтиёрнинг ўғиллари – Бадриддин билан Байрамалига ҳайдовчилик гувоҳномаси тўғрилаб берилиши билан тугади.

Шундай қилиб, Н.Хўжаев Бахтиёр Тошевга ваъдани қуюқ қилиб, жами 118 минг сўм олиб кетди. Ажабки, Бахтиёр унинг ҳақиқатан ҳам вилоят автомотоҳаваскорлик клубида ишлайдими-йўқми, қизиқмади ҳам.

Айтганча, қаршилик яна бир анойи Ҳусниддин Ботиров ҳам Н.Хўжаев билан танишгач, шошилиб қолганга ўхшайди. Ўз номига ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб бериш учун унинг қўлига 60 минг сўм пулни қандай тутқазганини билмай қолади.

Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳайдовчилик гувоҳномасидан ҳам, ҳожатбарор Н.Хўжаевнинг ҳам дараги бўлмади. Фирибгар тузоғига тушган Б.Тошев ва Ҳ.Ботиров уни излаб вилоят автомотоҳаваскорлик клубига боришди. У ерда «Бизда бундай ўқитувчи ишламаган, ҳозир ҳам ишламайди» деган жавобни эшитишгач, алданганларини билишди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишди.

Фирибгарни топиш қийин кечмади. Миришкор тумани Жейнов қишлоғида яшовчи Наби Хўжаев қилмишларини тан олди. У Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилиб, жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш тўғрисида ҳукм чиқарилди.

Ҳа, содда одамларни алдаб, чув туширишни ўзига касб қилиб олган Наби Хўжаев қонуний жазосини олди. Лекин масаланинг кишини ўйлантирадиган бошқа жиҳатлари ҳам бор. Маълумки, автоулов воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишнинг ўз тартиб-қоидалари мавжуд. Бунга риоя этмасдан қилинган ноқонуний хатти-ҳаракатлар нима билан тугаши эса барчага маълум. Ҳикоя қилганимиз ушбу воқеалар кимларгадир сабоқ бўлса, ажабмас.

**А.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**журналист**

*Меҳнат муҳофазаси*

***Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳар бир кишининг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирлар мажмуасини ўз ичига олади.***

# ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Касаба уюшмалари Фарғона вилоят Кенгаши тасарруфидаги тармоқ қўмиталарига қарашли корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш ҳолларининг олдини олиш масалаларида бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Кенгаш ва тармоқ қўмиталарининг иш режаларига мувофиқ жойларда жамоа шартномаларидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бандларининг бажарилиши, меҳнатда жароҳатланганларни ва боқувчисини йўқотганларга зарар тўловларини тўланиши масалалари раёсат йиғилишларида кўриб чиқилиб, тегишли чоралар қабул қилинмоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашларнинг иш жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ҳамда иш қобилиятини сақланишига қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаниш профилактикаси масалаларига маблағ ажратилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари давлат ёнғин ҳамда санитария назорати ходимлари билан ҳамкорликда мазкур масалада ўтказилган текшириш натижаларига мувофиқ 148 та ёзма кўрсатма ва тавсиялар берилди. Аниқланган камчиликлар тўла бартараф этилди.

Мутахассислар томонидан мазкур масала бўйича меҳнаткашлардан келган 47 та ёзма ариза жойида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, 141 дан зиёд оғзаки мурожаатларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма мутахассислари янги қурилиши тугалланган, қайта лойиҳалаштирилган ёки техник қайта қуроллантирилган 6 та ишлаб чиқариш иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияси ишида қатнашиб, булардан 4 тасига рухсат берилди.

Ўтган давр ичида корхона ва ташкилотларда умумий 21 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. 7 нафар ходим ҳалок бўлди. Боқувчисини йўқотган оилаларга 15 миллион сўм бир йўла бериладиган нафақа ундириб берилди.

Бахтсиз ҳодисаларни келиб чиқиш сабаблари асосан молиявий аҳвол туфайли меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкиллаштириш учун эътибор йўқлигида. Ишлаб чиқаришдаги технология, дастгоҳ-ускуналар меҳнат хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш кўрсаткичлари агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё ҳамда енгил, мебел саноати тармоқларида юқорилигича қолмоқда.

Жумладан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг иш режасига мувофиқ 2004 йилнинг 1-чорагида «Тармоқ тизимида ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодисалар оқибатида ногирон бўлганлар ҳамда боқувчисини йўқотганларга товон-зарар тўловларини тўланиши аҳволи тўғрисида»ги масалалар раёсат йиғилишида кўриб чиқилди. Бундан ташқари, туман ва шаҳар касаба уюшма қўмиталарида «Иш берувчилар томонидан ташкилотларда меҳнаткашларни меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хатарсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш аҳволи тўғрисида» раёсат йиғилишлари ўтказилди. Уларда асосан жамоа шартномалари, улардаги меҳнат муҳофазаси бўлими молиявий таъминланганлигига алоҳида эътибор берилган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя бўлимининг етакчи мутахассиси томонидан меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича жойларда 2004 йил 6 ойда 26 та, бошқармалар билан ҳамкорликда 11 та мақсадли текширишлар ўтказилди. Аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан иш берувчиларга тегишли кўрсатмалар, тақдимномалар берилди.

Вилоят қўмитасига ўтган давр мобайнида меҳнат муҳофазаси масаласига доир 5 та ёзма ариза келган, 12 нафар киши оғзаки мурожаат қилган. Аризаларни ўрганиш жараёнида иш берувчилар томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик ҳоллари бартараф қилиниб, 5 нафар аризачиларни ҳуқуқлари тикланди, ҳамда 952,5 минг сўм миқдорида ҳақлари ундириб берилди.

Баъзи корхона, ташкилот раҳбарларининг меҳнат муҳофазаси, интизоми масалаларига эътиборсизлиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар рўй берди. Бунинг оқибатида соғлигига шикаст етган 1 нафар ходимга 30 минг сўм моддий ёрдам, ҳамда 2 нафар боқувчисини йўқотган оилаларга 7 миллион 937,8 минг сўм миқдорида товон пуллари белгиланди ҳамда тўланишига эришилди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотларда бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан олиб борилган самарали ишлар натижасида 2003 йил мобайнида бахтсиз ҳодисалар сонини 2 баробар камайишига эришилди. Ўтган йилда соғлигига шикаст етган 2 нафар ходимга 759,5 минг сўм ҳамда 4 нафар боқувчисини йўқотган оилаларга 4 миллион 980 минг сўм миқдорида товон пуллари белгиланди. Шундан ўз вақтида тўланмаган 1 миллион 769 минг сўми вилоят қўмитасининг бевосита аралашуви натижасида ундириб берилган.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

***Қорақалпоғистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастур асосида «Сайлов-2004» семинар-тренинг машғулотлари бошланди. Унда барча туманлардан фаол хотин-қизлар иштирок этяпти.***

Семинар қатнашчилари уч кун давомида мамлакатимизнинг икки палатали парламенти концепцияси, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда демократик тамойилларга амал қилиш принциплари, сайловчиларнинг ҳуқуқларига оид маърузалар тинглайдилар.

**(ЎзА)**

*Қонун барчага баробар*

***Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Кам таъминланган оилалар, пенсионерлар, ногиронларга ғамхўрлик, меҳр-саховат кўрсатиляпти. Лекин баъзи жойларда бу борада бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда.***

# НАФАҚА НОҚОНУНИЙ ТАЙИНЛАНГАН

Ҳукуматимиз қарорлари асосида тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига туманимизнинг баъзи ҳудудларида риоя қилинмаётганини кўриш мумкин. Масалан, олиб борилган текширувлар давомида тумандаги Беруний номли ширкат хўжалигида яшовчи кўзи ожиз фуқаро Т.Матчоновнинг қизи ва невараси руҳий хасталигига қарамай, улар ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқаролар сифатида ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳисобга олинмаганлиги аниқланди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан бу оилага ижтимоий ёрдам ва хизмат кўрсатиш учун ходим бириктирилди.

Шунингдек, Шовот шаҳарча фуқаролар йиғинида ҳам кам таъминланган оилалар, 2 ёшдан 16 (18) ёшгача боласи борларга нафақалар тайинланиши ва тўланиши юзасидан текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, фуқаролар йиғини томонидан 15 та ҳолатда жами 523,3 минг сўмлик нафақа пули нотўғри тўланаётган экан. Худди шунингдек, «Чўқли» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 2 та ҳолатда ана шундай ноқонунийликка йўл қўйилган. Булар юзасидан туман меҳнат, ижтимоий таъминот ҳамда молия бўлимлари ва «Нуроний» жамғармасига тақдимномалар киритилди. Айрим мутасаддилар интизомий жавобгарликка тортилди.

Кўриниб турибдики, ҳали жойларда баъзи ташкилотлар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг содир этилиши олдини олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

**Алишер САЛАЕВ,**
**Шовот туман**
**прокурори иш**
**ўрганувчи ёрдамчиси**

# НОМИ МАКТАБ ЖУРНАЛИДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН...

**(Боши 1-бетда)**

Қўлимизда чиройли дастхат билан ёзилган, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Иброҳим Санақулов номли 3-мактаб директори Шомуродов, котиби А.Ҳамдамовлар имзолаган, штампда 2004 йил 11-январ санаси аниқ-равшан акс этган, муҳрланган расмий маълумотнома. Унда «Абдуллаева Махлиё 2002-2003 ва 2003-2004 ўқув йиллари ўқувчи бўлиб ўқиб келди» дейилади. 68-мактаб директори А.Холмуродов ҳам буни тасдиқлаб шикоятчи Б.Ризаев аризасидаги «кўрсатмалар ҳаммаси туҳмат, ёлғон» дейди. Демак, ҳаммаси жойида экан-ку, шунга шунчами дерсиз? Қаёқда, Хатирчи туман ХТБ томонидан таҳририятимизга ёзилган хат кўп нарсани ойдинлаштирди. «Абдуллаева Махлиё Абдуғаниевна Хатирчи туманидаги 3-ўрта мактабга кирим ва чиқим қилинмаган, бу ерда ўқимаган» дейилади жавобда. У ҳолда 3-мактабдан берилган табел ҳамда унинг шу мактабда ўқиганини тасдиқловчи маълумотнома ҳам қалбакими? Шундай «Шикоят хатида келтирилган Абдуллаева Махлиё Хатирчи туманидаги 3-ўрта мактабда бирон кун ўқимаган, – деб ёзади мактаб директори Т.Шомуродов. – Унинг номи мактаб журналида қайд қилинмаган.

Ҳақиқатда 2004 йил май ойларида Абдуғани Абдуллаев келди (хонамга демоқчи – **Я.С.**) Мен 9-,11-синф ўқувчиларига шаҳодатнома ёзиш учун буйруқ ёзиб турган эдим. Уларга чой айтгани чиқиб кетдим. Лекин, стол устида мактаб печати ва штампи турган эди. Шундан фойдаланиб, ўзлари яширинча махсус бланка қоғозига уриб олгандир. Улар қандай кўнгилда келганини билмайман. Ушбу ҳужжатга мен имзо қўймаганман. У мактабнинг ҳужжатлар расмийлашадиган дафтарида қайд этилмаган».

Энди гапни 68-мактаб жамоасидан эшитинг. Мактаб ўқитувчиси Содиқ Ўроқов: «2003-2004 ўқув йилида Абдуллаева Махлиё III чоракдан бошлаб бизнинг мактабга қабул қилингандан кейин маъмуриятнинг рухсати билан журналга қайд қилдим. Шундан бошлаб ўқувчи барча фанларда иштирок этган. Имтиҳонларнинг ҳаммасини топширган.

*Ажаб савдолар*

118-бетдаги журнал бузилганлигига менинг ҳеч қандай алоқам йўқ». Журналнинг 118-бети қандай бузилганини эса мактаб ўқитувчиси Толиб Муҳаммадиев шундай изоҳлайди: «Мен 2004 йилнинг II чорагида илмий бўлим мудири бўлиб ишлардим. II чорак якунланиши олдидан менга Бойкалонов Исмат Абдуллаева Махлиёнинг маълумотномасини берди. Ўқувчини 11-синфга қабул қилдик. Аттестат учун буюртма берганимда у ўқувчини қўшмаган эдим... Ушбу маълумотномадан шубҳаланиб йил охиригача баҳо қўймадим. Яна охирида мажбур бўлиб баҳо қўйиб бердим».

Хўш, 3-мактаб штампи, муҳри босилган маълумотномадаги ёзувлар кимники, имзоларчи, уларни ким сохталаштирган? Толиб Муҳаммадиевга ушбу ҳужжатни берган мактабнинг чет тили ўқитувчиси Исмат Бойкалонов балки буни билар. Бойкалонов бу воқеага муносабат билдирар экан «Абдуллаева Махлиёнинг опаси Абдуллаева Муқаддас Хатирчи туман М.Улуғбек ширкат хўжалигига турмушга чиқиб болали бўлгандан кейин Абдуллаева Махлиёни боласига қараш учун олиб кетди ва шу ердаги мактабда ўқиб 2004 йил 12 январда мактабимизнинг 11«Б» синфида ўқишни давом эттириш учун келди. Шу билан бир қаторда намунали ҳулқи, аъло баҳоларга ўқиши билан ўртоқларидан ажралиб турди» деб ёзди. Бизни билдириш хатидаги мадҳу санолар эмас, унинг ёзуви билан шубҳали маълумотномадаги ёзувлар бир хил эканлиги лол қолдирди. Таажжубимизни яширолмай маълумотномани кўрсатиб «бу ёзувлар ҳам сизникими?» деб сўрадик. У ёзувга бир қур назар ташлаб «меникига ҳам, директорникига ҳам ўхшайди» деди ғудраниб. Ана сизга ажаб савдолар. Энди маълумотнома ким томонидан ёзилганини, имзоларни ким сохталаштирганини аниқлаш учун хатшунослик экспертизаси ўтказишни тегишли органлардан сўраладиган кўринади. Чунки, худди шу сохта далолатнома ва табел ўқилмаган 1,5 йиллик бўшлиқни тўлдирганди. Қинғир йўллар билан 11-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома олинишига асос бўлган. Дарвоқе, Самарқанд иқтисод ва сервис институтидан олинган маълумотга қараганда, 5 баллик о'га - 1761735 рақамли шаҳодатномадан Абдуллаева Шаҳноза Абдуғаниевна институтнинг маркетинг ва менежментлик ихтисоси бўйича ўқишга кириш учун фойдаланган. Кириш имтиҳонларида эса Шаҳноза етарли балл тўплай олмаган.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» дейдилар. Шаҳноза-ку, буни эҳтимол билмас. Лекин унинг оиласидагилар, айниқса, қизнинг ҳуқуқшунос отасичи? Сохта ҳужжат асосида шаҳодатнома олиш ва ундан фойдаланиш ғайриқонуний ҳаракат эканини наҳот билмаса?!

**Ялғош САРИЕВ,**
**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбирлари**

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ ҲАМДА ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*1-октябр Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан юртимиздаги барча соҳа ходимларини чин юракдан қутлайди*





**Буюк келажагимиз эгаларини тарбиялашдек эзгу ишингизда муваффақият ёр бўлсин!**

# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ

*Азиз инсонлар – ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан муборакбод этади*







**Жондан азиз Ватанимиз гуллаб яшнайверсин!**

*__Давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини бажараётган хўжаликлар сони тобора кўпаймоқда.__*

## ЯНА ИККИ ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

Тахтакўпир туманидаги «Мақбалкўл» ва «Ўзбекистон» фермерлар бирлашмаси ҳам улар сафига қўшилди. Мақбалкўлликлар давлатга 600 тоннадан ортиқ, «Ўзбекистон» хўжалиги пахтакорлари 470 тонна хомашё етказиб берди.

Ҳар икки жамоа деҳқонлари яна 200 тоннадан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилган.

**(ЎзА)**

# МАЛАКАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*__Автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш йилдан-йилга ривожланиб бораётган вақтда кишилар ўртасида ҳайдовчиликка ҳавас ҳам кучайиб бормоқда.__*

Мамлакатимизда ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда малакали ҳайдовчилар тайёрлаш борасида кўплаб ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Янги-янги ўқув масканлари ҳам ташкил этилмоқда.



Тошкент вилояти Чирчиқ автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг Янгийўл шаҳар бўлими ҳам худди шу мақсадда ташкил этилган ўқув масканларидан бири ҳисобланади. Халқ хўжалиги учун турли русумдаги автомашиналарни ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлган малакали ҳайдовчилар тайёрлашга ихтисослашган бу жойда катта иш тажрибасига эга бўлган ўз касбининг усталари бўлажак ҳайдовчиларга автотранспорт воситаларининг тузилиши ва улардан фойдаланишни пухта эгаллашлари учун чуқур сабоқ беришмоқда.

– Амалдаги йилнинг ўтган ойлари давомида 150 нафардан ортиқ «В» ҳамда «ВС» тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланди, – дейди филиал етакчиси Бегимбет Турсунбеков. – Айни пайтда тўртта гуруҳда машғулотлар давом эттирилмоқда. Йил охирига қадар яна 240 нафар фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлади.



Ўқув муассасасининг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Бўлажак ҳайдовчиларнинг малакасини оширишда, назарий билимларни амалий жиҳатдан синаб кўришда Чирчиқ автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати маъмурияти яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Амалий машғулотлар автодром ва серқатнов кўчаларда олиб борилиши ўз навбатида тингловчиларни касбга, ишга бўлган кўникмаларини шакллантиришда ҳар томонлама қўл келмоқда. Чунки, ўқув масканидаги Абдусаттор Аламатов, Бектилла Турсунбеков, Аҳмаджон Шералиев сингари тажрибали ўқитувчилар ўз касб маҳоратларини бажонидил ўқувчиларга қунт билан ўргатишаётир.

**А.АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## __СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ__
## __ОАО - «2-Автокомбинат»__

расположенного по адресу: г. Ташкент., ул. Сегизбаева, 3
Порядковый номер сообщения - **09.**
Вид общего собрания **- внеочередное.**
Форма проведения общего собрания - **открытое**
Дата проведения общего собрания - **27.09.2004 г.**
Место проведения общего собрания - **г. Ташкент., ул. Сегизбаева, 3**
Кворум общего собрания - __303224__ **голосующих акции или __70,45%.**

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

**По 1-вопросу:** Создать СП с иностранными инвестициями.
«ЗА» - __303224 __ «Против» -нет «Воздержался» - нет

**По 2-вопросу:** Утвердить Устав СП ОАО «2-Автокомбинат», все учредительные документы и Положения, новое название и образцы печати и штампа.
«ЗА» - __303224 __ «Против» -нет «Воздержался» - нет

**По 3-вопросу** - Избрать членами Наблюдательного совета - в результате кумулятивного голосования большинством голосов:
1. Эргашев Бустон Достанович - __325109 __ голосов;
2. Шарипов Рустам Хасанович - __325109 __ голосов;
3. Яппарова Наиля Викторовна - __325109 __ голосов;
4. Туляганов Дилмурод Абдукадиржанович - 325110 __ голосов;
5. Жураев Ботиржон Насирович - __325110 __ голосов;
6. Садиков Зиевуддин Аллавиддинович - __325110 __ голосов;
7. Артыкходжаев Фарход Абидович - __259453 __ голосов;
8. Сабиров Равшан Садикович - __259453 __ голосов;
9. Нигманов Фарход Хабибуллаевич - __259453 _голосов.

**По 4-вопросу:** Избрать членами Ревизионной комиссии:
1. Пак Алла Иннокентьевна - __302393 __; ПРОТИВ __нет__; ВОЗД. __нет__
2. Гальцева Светлана - __302234 __; ПРОТИВ __нет__; ВОЗД. __159__
3. Сринивасан Судхир - __302234 __; ПРОТИВ __нет__; ВОЗД. __159__

__**По 5-вопросу:**__ Утвердить смету вознаграждения членам Наблюдательного совета и Ревизионной комиссии.
ЗА - __302573__; ПРОТИВ __нет__; ВОЗД. __39__

__**По 6-вопросу:**__ Избрать членами Правления:
1. Кучкаров Обид Олимович - ЗА __302722__; ПРОТИВ __16__; ВОЗД. __361__
2. Хусанов Шухрат Махамадович - ЗА __302577 __; ПРОТИВ __8 __; ВОЗД. __395__
3. Кадырова Зулхумор Садыковна - ЗА __302500 __; ПРОТИВ __8__; ВОЗД. __438__

__**По 7-вопросу**__**:** Аудитора - фирму «Узавтоаудит» на 2004 год и размер его вознаграждения - **утвердить.** Проголосовали: «ЗА» - __303025 __ «ПРОТИВ» __нет__ и «ВОЗДЕРЖАЛИСЬ» - __199__

__**По 8-вопросу:**__ **__ Увеличить уставной фонд путем дополнительного выпуска акций.** Проголосовали: «ЗА» - 301593__ голосов «ПРОТИВ» - __1238 __ и «ВОЗДЕРЖАЛИСЬ» - __318__

__**По 9-вопросу: Утвердить количество объявленных акций и проспект эмиссии.**__ Проголосовали: «ЗА» - 302867 голосов «ПРОТИВ» __нет__ и «ВОЗДЕРЖАЛИСЬ» - __357__

__**По 10-вопросу**__**:** Конвертировать все виды и типы акций ОАО «2-Автокомбинат» в простые именные безналичные «ЗА» - __302348__ «Против» - __440__ «Воздержался» - __436__

__**По 11-вопросу**__**:** Внести изменения в проспект эмиссии ОАО «2-Автокомбинат». «ЗА» - __302580__ «Против» - __445__ «Воздержался»- __199__

### СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ

**ОАО «2-Автокомбинат»**
расположенного по адресу: г. Ташкент., ул. Сегизбаева, 3
Порядковый номер сообщения - __**10**__
Орган управления эмитента, в котором произошли изменения - **Наблюдательный совет.**

__Ф.И.О. каждого лица, избранного в орган управления и доля в Уставном фонде эмитента:__
1. Эргашев Бустон Достанович - 0;
2. Шарипов Рустам Хасанович - 0;
3. Яппарова Наиля Викторовна - 0;
4. Туляганов Дилмурод Абдукадиржанович - 0;
5. Жураев Ботиржон Насирович - 0;
6. Садиков Зиевуддин Аллавиддинович - 0;
7. Артыкходжаев Фарход Абидович - 0,07%;
8. Сабиров Равшан Садикович - 0;
9. Нигманов Фарход Хабибуллаевич - 0,06% голосов.

__**Правление:**__
Ф.И.О. каждого лица, избранного в орган управления и доля в Уставном фонде эмитента:
1. Кучкаров Обид Олимович - 0,03%;
2. Хусанов Шухрат Махамадович - 0;
3. Кадырова Зулхумор Садыковна - 0.

__Ф.И.О. каждого лица, полномочия которого прекращены и доля в Уставном фонде эмитента:__
Члены наблюдательного Совета
1. Мухамедханов Ш.С. - 0;
2. Шакиров А. - 0;
3. Алтыев К. - 0;
4. Турсунов И. - 0;
5. Мухаммадиев К. - 0;
6. Хайдарханов Б. - 0.

Члены Правления
1. Эшанханов С.М. - 0,04%;
2. Шарипов Б.И. - 0,04%;
3. Зупаров К.С. - 0,03%;
4. Исаев С.Л. - 0,02%;
5. Алимбабаев М. - 0,02%
6. Русанова И.В. - 0.

Дата, в которой произошли указанные изменения - **27.09.2004 г.**

Полномочный орган, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений и дата его принятия - **Общее собрание акционеров от 27.09.2004 г.**

### СПИСОК
### АФФИЛИРОВАННЫХ ЛИЦ
### ОАО «2-Автокомбинат»
### по состоянию на 28 сентября 2004 г.

| № Ф.И.О. | Место работы | Основание по котор. явл-ся аффилир. лицом и дата наступл. | Кол-во голосов | % УФ |
| --- | --- | --- | --- | --- |

1. Эргашев Бустон Достанович Директор «ГИФ Дустлик» Член Набл. Сов. 27.09.2004г. 0;
2. Шарипов Рустам Хасанович Зам. дир. ДП Динур Фарм -\\- Член Набл. Сов. 0;
3. Яппарова Наиля Викторовна Дир. ИП Центр АЗИЯ -\\- Член Набл. Сов. 0;
4. Туляганов Дилмурод Абдукадиржанович Дир. Комп. «Интершугер» ЛТД -\\- Член Набл. Сов. 0;
5. Жураев Ботиржон Насирович Зам. Дир. ЧФ «Зарафшон» Баракат -\\- Член Набл. Сов. 0;
6. Садиков Зиевуддин Аллавиддинович Ст. Сов. Ком. «интершугер» ЛТД -\\- Член Набл. Сов. 0;
7. Артыкходжаев Фарход Абидович Дир. ООО «Генероус» -\\- Член Набл. Сов. 0,07%;
8. Сабиров Равшан Садикович Пред. Прав. О «5-таксисарой» -\\- Член Набл. Сов. 0;
9. Нигманов Фарход Хабибуллаевич Таш. ГК Проф. АТ -\\- Член Набл. Сов. 0,06%;
10. Кучкаров Обид Олимович Пред Прав. ОАО «Автокомбинат № 2» 27.09.2004г.;
11. Хусанов Шухрат Махамадович Зам. Пред. правления -\\- 0;
12. Кадырова Зулхумор Садыковна Зам. Пред. правления -\\- 0.

**Юридические лица:**
**«Intersugal Limited» 31, Hendon __ приобр. акции на 273778 штук 60,71% вторичном рынке ЦБ**
**Дата составления списка: 27.09.2004 г.**


**Юртимиз пахтакорлари диққатига!**

**Акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»**

***Сизлар учун 3 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган «Оқ олтин», «Пахтакор», «Саховат» муддатли омонатларини таклиф этади!***

**Ушбу жамғарма омонатларига маблағингизни «Пахта банк»нинг истаган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.**

*Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!*
*«Пахта банк» фаровонлигингиз калитидир!*



*Хотира уйғонса гўзалдир*

***Қадим Хивадаги «Ичон қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасида биринчи ўзбек фотосуратчиси ва кинооператори Худойберган Девонов ижодига бағишланган кўргазма очилди.***

# БИРИНЧИ КИНООПЕРАТОР

Худойберган Девонов 1879 йилда туғилган. Болалигидан билимга чанқоқлиги ва ижодий истеъдоди билан ажралиб турган. У араб, форс ва рус тилларини ўрганган. Қизиқувчан ўсмир немис тилини ўргана бошлаган ва бу келгусида унинг тақдирини белгилаб берган.

Гап шундаки, Х1Х аср охирида Хоразмнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II немис-меннонитларнинг бир неча оиласига ўлкада яшашига рухсат берган. Уларнинг энг ёши улуғи Вильгельм Пеннер ёки маҳаллий одамларнинг тили билан Панор бувада қизиқувчан Худойберган биринчи марта фотоаппаратни кўрган ва ундан фойдаланишга рухсат сўраган. Кейинчалик Панор бува шогирдининг муваффақиятларидан хурсанд бўлиб, унга фотоаппаратни совға қилган.

Шундай қилиб 1903 йилда Худойберган Девонов Хиванинг миноралари ва ҳамюртларини суратга ола бошлаган. Аввалига бу диний уламоларнинг қаттиқ қаршилигига учраган. Бироқ фотосуратчини ҳар қандай янгиликка қизиққан Муҳаммад Раҳимхон ўз ҳимоясига олган. У нафақат хон, балки истеъдодли шоир ва бастакор сифатида тарихда қолган. Ҳукмдор Худойберганга ўзининг суратини олишни буюрган, кейин эса уни ўз девонига ишга таклиф қилган.

1907 йилда Х.Девонов Хива хонлигининг бир гуруҳ вакиллари билан бирга Санкт-Петербургга сафар қилган. Ташрифдан сўнг делегация раҳбаридан Россия пойтахтида бир неча кун қолишга рухсат сўраган. Бу ерда 29 ёшли Худойберган фото сирларини ўрганишни давом эттирибгина қолмай, кинематография билан ҳам қизиқиб қолган. У она юртига қайтиб, Хоразмга биринчи киноаппаратни олиб келган.

- Янги кўргазмадан Худойберган Девонов суратга олган юзга яқин сурат ва кинокадрлар ўрин олган,- деб ҳикоя қилади музей-қўриқхона директори Ботир Давлатов. - Бу Х.Девонов бой ижодий меросининг бир қисми холос. Кўп нарсаларни компьютер ёрдамида қайта ишлаб, тиклай олдик. Уларда акс этган мавзу ва онларга ҳар қандай ижодкор ҳавас қилади. Уларда бир аср олдинги Хива манзараси, деҳқон ва ҳунармандлар меҳнати, тарихий воқеалар акс этган. Афсуски, Х.Девоновнинг ҳаёти фожеали якунланган. 1936 йилда Сталин қатағонлари авжига чиққан даврда у «халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган ва тўрт йилдан сўнг отиб ўлдирилган.

**(ЎзА)**

*Шу куннинг мавзуси*

Сув инсонга табиат томонидан берилган ажойиб мўъжизадир. Сувсиз ҳаёт бўлмайди.

Инсон бир қанча вақт овқат емасдан яшаши мумкин. Лекин сувсиз бир кун ҳам чидай олмайди. Шу боис нафақат инсон ҳаёти, балки жамият тараққиётида ҳам тоза сувнинг аҳамияти бебаҳодир. Мавжуд сувни тоза сақлаб қолиш бугун инсониятни жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Минг афсуски, кўпчилигимиз бебаҳо неъмат ҳисобланган сувни ҳеч қачон тугамайдиган бойлик деб ўйлаймиз. Чунки дарё ва анҳорлар кўз ўнгимизда оқиб, мавсумда ёмғир, қор ҳамиша ёғиб туради. Дунё харитасига боқсак баҳру уммонлар дунёнинг учдан икки қисмини ташкил этади. Минг афсуски, мавжуд сувнинг 97 фоизи денгиз сувига тўғри келиб, истеъмолга яроқсиз ҳисобланади. 2 фоиз сув эса музликларга тўғри келади. Қарангки, бир фоизгина сув истеъмолга яроқли экан. Ер шарида жами 80 минг куб километр ер ости сувлари мавжуд. Бунга қутбдаги музликлар кирмайди. Ачинарлиси шундаки, сайёрамизда чучук сув етишмаслиги ёки ифлосланиши натижасида йилига 500 миллион киши касалланар экан.

# СУВ — ҲАЁТ МЎЪЖИЗАСИ

Чучук сувларнинг ифлосланишида саноат корхоналаридан чиққан зарарли моддалар асосий сабаб ҳисобланади. Унинг исроф бўлишида ўзимиз ҳам айбдормиз. Кўпгина шаҳарларда бўлганимизда сув тармоқларининг носозлиги туфайли қанча сув нобуд бўлаётганлигига гувоҳ бўламиз. Янада ачинарлиси, кўпчилик хонадон эгалари водопровод сувида экинларни суғоришади ёки бузилган жўмракдан сув жилдираб оқиб туради. Бирники – мингга, мингники – туманга, деган ҳикматли гап бор. Бугун қилинган хатолар эртага қимматга тушишини барчамиз теран англаб етмоғимиз зарур.

Табиат қанчалик бой ва серқирра бўлса, ҳаётимиз шунча гўзал ва файзли бўлади. Табиат биз учун моддий манба бўлиш билан бирга, қалбимизга илҳом бағишловчи бебаҳо туйғулар манбаи ҳамдир. Дейлик шарқираб оқиб турувчи анҳор, кўкка кумуш сочқилар сочиб турган фавворалар, тоғлардан пастга шовуллаб тушаётган жонбахш обиҳаёт кимни мафтун этмайди дейсиз. Ёки роҳатбахш булоқ сувидан тотли нима бор дунёда?!

Ёзги таътилда пойтахтга бориб келган дугонам куйиниб шундай деди:

– Шаҳарликлар сувни ниҳоятда исроф қилишаркан. Қўл-юзларини юваётганларида жўмракни очиб қўйишаркан. Тишларини тозалагунча ҳатто 2-3 челак сув оқиб кетаркан. Уни кўриб жоним оғриб кетди, эсиз шундай зилол сувлар. Биз унинг ҳар томчисига зормиз.

Дугонамнинг куйинганича бор. Бугун нафақат катта шаҳарларда балки, қишлоқда ҳам айрим кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли сув исроф бўлиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолаяпти. Шу ўринда ўзимиз ҳар куни кўриб турган манзарага эътиборингизни қаратсам. Кўпчилик автомашина ҳайдовчилари ўз уловларини анҳор ёки сой бўйига олиб бориб ювишади. Ёки ишдан чиққан ёнилғини ерга ёки сувга тўкишади. Бир қараганда бу одатий ҳолга ўхшайди. Ҳолбуки, мутахассисларнинг эътироф этишларича, сувга тушадиган ҳар килограмм нефт маҳсулотлари ва бензин минг куб метр дарё сувини ёки тупроқ остидаги сувни зарарлар экан.

Табиатда инсон учун сувдан ҳам қимматли, тотли, муқаддас нарса йўқлигини теран англаган ота-боболаримиз уни ниҳоятда эъзозлаб, асраб-авайлаганлар. Бир маҳалла, бутун қишлоқ битта арикдан сув ичган ҳатто битта қудуқдан икки-уч маҳалла аҳли баҳраманд бўлган. «Авесто»да ёзилишича, сувни ифлос ва исроф қилганларни ниҳоятда қаттиқ жазо кутган. Шу боис йил бўйи ариқларда зилол сув оққан, аҳоли уни ўз манфаати учун ишлатган, аммо ифлос қилмаган. Сувнинг муқаддаслиги ҳақидаги ривоят ва ҳикматларда бу ҳақиқат ўз аксини топган. «Ер – хазина, сув – олтин», «Қуёш заминнинг отаси бўлса, сув – онаси», «Сувга қараб тупурма, сувга қараб супурма» каби ҳикматли сўзлар шулар жумласидандир.

Менинг назаримда, экологик тарбияни оиладан, болаликдан бошлаган маъқул. Чунки қуш уясида кўрганини қилади. Қолаверса, япон олимларининг фикрича, инсон кўзи нозик ва нафис нарсаларни кўп кўрса, унинг кайфияти шунчалик хушвақт, мижози эса бардам ва тетик бўлар экан. Узоқ ва соғлом яшашни истаган ҳар бир инсоннинг атрофида чиройли нарсалар кўп бўлиши керак экан. Негаки, инсон фақат табиат кўрки, ранг-баранг, хушбўй гуллар, кўм-кўк арчалар, гўзал боғ-роғлар, тоғлардан баҳра олади ва қалби қувончга тўлади. Улар эса фақат сув билан ана шундай гўзал ва кўнгилга яқиндир. Шу боис табиатга нисбатан инсон ҳукмронлигини ўзгартириши, уни онадек севиб ардоқлаши зарур. Шундагина экологик таҳдидлар бизни ҳар қадамда таъқиб этмайди.

Ҳар бир киши сувнинг муқаддаслигини чуқур англаб, ундан оқилона фойдаланиши зарур. Сувнинг аҳамиятини француз олими Сент Экзюпери шундай таърифлайди: «Сув, сени ҳаёт учун зарур дейиш мумкин эмас, чунки сенинг ўзинг ҳаётсан. Сен дунёдаги энг катта ва қимматбаҳо бойликсан».

Сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал этишда яқинда ташкил этилган Кавказ ва Марказий Осиё бўйича глобал сув ҳамкорлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур ташкилот сув ресурсларини бошқариш билан бирга томонларни бирлаштирган ҳолда халқаро ташаббуслар, конвенциялар ва халқаро бўлимлар билан ҳамкорликда сув муаммоларини ҳал этишни таъминлайди.

Сув – ҳаёт манбаи. Тириклик воситаси экан, унинг мўлкўллиги учун жонбозлик ва фидойилик кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Вазира АЛИМОВА,**
**Китоб тумани**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри жамоаси ижодий мавсумни «Заҳарли ҳаёт» номли янги асар билан бошлади. Бу спектакл режиссёр Бахтиёр Позилов томонидан ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Алвидо, болалик» қиссаси асосида саҳналаштирилган. Унда ўсмир йигит–қизлар ҳаётидаги айрим нохуш жиҳатлар акс эттирилган.

* * *

Яқинда Киночилар уйида режиссёр Санжар Бобоев суратга олган «Юлдузсиз осмон» фильмининг премьераси намойиш этилди. Фильмда қаҳрамонларнинг оила муқаддаслигини англай бориш жараёни ҳаётий ифодалангани билан томошабинларга манзур бўлди. Асосий ролларни истеъдодли актёр Боир Холмирзаев ва экранда илк маротаба суратга тушган Заҳро Матёкубова ижро этишган. Ёш хонанда Сарвара ижросидаги қўшиқлардан киноасарда фойдаланилган.

* * *

Сурхондарёлик ёш қаламкаш Шодмонқул Саломовнинг «Юрак иқлими» номли илк шеърлар тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адабиёт жамғармаси» нашриётида босмадан чиқди. Тўпламдаги шеърларда инжа ҳислар маҳорат билан акс эттирилган. Содда, самимийликка йўғрилган сатрлар яна бир истеъдод эгаси кашф этилаётганидан далолат беради.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Меросимизни ўрганамиз*



***Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида «Султон бобо» деган зоти шарифнинг мақбараси бўлиб, бу жой Амударёнинг қуйи оқими соҳилида яшайдиган халқларнинг муқаддас қадамжоси ҳисобланади.***

# МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

Айтишларича, зиёратгоҳни бир бора тавоф қилиб, зиёрат қилган инсон дарддан халос бўлиб, кўнглидаги эзгу ниятлари амалга ошар экан. Астойдил илтижоси қабул бўлиб, кўрган фарзандларига Султонмурод дея исм берган ота-оналар қанча.

Султон Увайснинг тўлиқ исми Суҳайл ибн Омир Қаранийдир. Фаридиддин Аттор унинг исмини Суҳайл Яманий Увайс Қараний деб атайди. Манбаларда у зотнинг боболари Қаран ибн Румон ибн Ноҳия ибн Мурод дейилиб, у зот Яман ўлкасининг Қаран шаҳри пастроғида жойлашган Муродий қабиласидан эканлиги айтилади.

Увайс, яъни ҳокисор, камтар кимса деган лақаб бу зотга Пайғамбаримиз томонидан берилган. Бу ҳақда Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай дейди: «... Ва ҳазрати Рисолатни кўрмабдур эрди ва ул ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи билан кўрмабдур эрдилар. Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилған бўлса, они Увайсий дерлар».

Султон дейилишига сабаб эса ул зот авлиёлар султони, аълоси бўлганлар. Чунки Пайғамбаримизнинг ўзлари «Тобеъинлар яхшиси» деб зикр қилганлар. Қараний ва Яманий сўзлари эса туғилган жойларига нисбатдир. Шунингдек, Султон Увайс бобо туғилган шаҳар ва қабила номи боболари номига қўйилган, бундан кўриниб турибдики у зотнинг шажараси бадавлат ва обрўли инсонлардан бўлган.

Увайснинг туғилиши ҳақида шундай ривоят қилишади: Пайғамбаримиз (С.А.В) меърожга чиққанларида Оллоҳ Таолодан бир дўст тилаганлар. Шунда Парвардигор Пайғамбаримизга Султон Увайс берилишини башорат қилган. «Тазкират ул-авлиё»нинг Ҳиндистонда чоп қилинган форсий нусхасида: «Пайғамбаримиз баъзан муборак юзларини Яман тарафга қаратиб: «Мен Парвардигорнинг раҳмати насимини Қаран тарафдан сезяпман, – дер эканлар», – деб зикр қилинган. Ўзбекча таржимада: «Ямандан менга Оллоҳ ошиғининг иси келур», дейилган. Пайғамбаримиз Увайснинг туғилганлигини билиб, саҳобаларга бу қувончли воқеанинг хабарини ўз вақтида етказганлар.

Ривоятлардан бирида айтилишича, Пайғамбаримиз, (С.А.В.) яна шундай деганлар: «Албатта, тобеъинларнинг яхшиси бир кишидурки, у Увайсдир. Унинг фақат онаси бор, шунингдек, пеcлик касали ҳам бор (яъни сизлар у кишини шу орқали таниб оласизлар). Бас у билан учрашсанглар, ундан илтимос қилингки, сиз учун истиғфор сўрасин».

Увайс Қараний пес касалига йўлиққан. Дуоси мустажоб бўладиган авлиё сифатида касаллигини кетказишни, аммо белида (ёки қўлида, бир дирҳам (танга) миқдорида песлик қолишини Оллоҳдан сўраган. Чунки шуни кўриб ўзининг банда эканлигини эсида тутиш учун ҳамда ҳар нарсага қодир Парвардигор доим ёдида туришини истаган.

У зот онасининг хизматини қилган, унга эҳтироми сабаб, ҳатто Пайғамбаримизни кўриш насиб қилмаган. Юсуф Товаслий ўз китобида шундай ёзади: Увайс Қараний Расулуллоҳ (С.А.В.) ишқи билан ёниб юрарди. Кўнглига тугиб қўйгани, орзуси Расулулллоҳнинг муборак жамолини кўриш эди. Бу ишқ ила кунлар ўтиб борарди. Бир кун онасига «Онажоним, рухсат этсангиз Мадинага бориб, суюкли Пайғамбаримизнинг муборак юзларини кўрсам, зиёрат қилсам», деди. Увайс Қаранийнинг онаси ўғлининг бу гапига хайриҳоҳ бўлиб: «Бир шарт билан рухсат бераман. Расулуллоҳ (С.А.В.) ни фақат хонаи саодатлари (муборак уйлари) дагина зиёрат қиласан, – деди. Ошиқи Расул Увайс Қараний «Онам рухсат берди» деб қувониб, Мадина томон йўлга тушади. Бир неча кун юриб, Мадинага етиб келди. Расулуллоҳ (С.А.В.) нинг уйларини сўради. Кўрсатдилар, хонаи саодатининг эшигини тақиллатди. Ичкаридан ҳазрати Ойиша волидамиз:

– Ким у, –деб овоз бердилар.

– Бу мен Увайсман. Расулуллоҳ (С.А.В.)ни зиёрат қилгани келдим»,– деди.

Ҳазрати Ойиша волидамиз:

– Расули Акрам (С.А.В.) масжидга кетдилар, ўша ерга борсанг кўрасан,– дедилар. Увайс Қараний:

– Оҳ! Боролмайман, онам фақат шу ергача рухсат берган деб айтди. Ҳазрати Ойиша волидамиз:

– Эй Оллоҳнинг қули, ўзинг кимсан дедилар. Увайс Қараний:

– Отим Увайсдир, Яман Қаран қишлоғиданман,чўпонлик қиламан. Суюкли пайғамбарларимизни зиёрат қилгани онамдан шу ергача рухсат олгандим. Демак, кўриш насиб бўлмабди,– деб келган томонга қайтиб кетди.

Расулуллоҳ (С.А.В.) масжиддан қайтиб келиб:

– Ё Ойиша,бу ерга Увайс келдими? Мени бу дунёда кўриш унга насиб бўлмайди. Оллоҳ имтиҳон қилмоқда. Онасига бўлган итоатининг қай даражада эканлигини билмоқчи, – дедилар.

Увайс Қараний онасининг олдига келди, бўлиб ўтган ишни афсусланиб оҳ чекиб тушунтирди. Йўл азоби ва Пайғамбаримизни кўра олмаганидан сарғайиб сўлди.

Онаси:

– Қайғурма, ўғлим, қайғурма! Сен мени мамнун этдинг. Оллоҳ сени мамнун этади. Суюкли Пайғамбаримизни у дунёда кўрасан, шафоатига эришасан, – деди.

Пайғамбаримиз (С.А.В.) вафот қилаётганларида у зотдан мураққаъ чопонингизни кимга берамиз? – деб сўрашади.

– Увайс Қаранийга берингиз, – деганлар.



Шундан сўнг Пайғамбаримизнинг муборак мураққаъларини (либослари) Увайсга тортиқ қилинганида ул зот мураққаъи шарифни олиб ўпиб, юзига суради. Манбаларда келтирилишича, Султон Увайс туғилган йил мелодий 621 йилга тўғри келади. Вафот этган йили 656 мелодий йилда. Албатта ушбу саналар ҳақидаги маълумотлар турлича. Султон Увайс мақбарасининг қурилиши Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ буйруғига асосан амалга оширилган.

Ушбу мақбара Чингизхон томонидан Хоразмга қилинган босқин туфайли 1221 йилда вайрон қилинган ва анча пайтгача мақбара вайрона ҳолатда сақланиб қолган.

Орадан 600 йил ўтгандан кейин Хива хони Элтузархон томонидан мазкур мақбара қайта тикланади. Аммо Хоразмда бўлган қаттиқ зилзила ва сув тошқинлари туфайли мақбара қулаб тушади.

Сўнгра орадан 30 йил ўтгач, Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли Оллоқулихон мақбарани қайта тиклайди.

Айтишларича Оллоқулихон шаҳзодалик пайтида Оренбургдан қайтаётиб Султон Увайс тоғида дам олади ва шу жойда бир туш кўради. Тушида Султон Увайс айтадиларки, сен юртингга боргач, бир ҳафтадан кейин хон бўласан. Оллоқулихон ўрнидан тургач, шу ерда чўпонлик қилиб юрган одамдан: «Бу ерларда қандай хосият кўрдингиз», – деб сўрайди.

Чўпон: «Менинг отам ҳам бу ерларда чўпонлик қилган, у бу жойда Султон Увайс деган бузрукнинг мақбараси бўлганлигини айтар эди. Мен ҳам бу ерларда 20 йилдан кўпроқ чўпонлик қилиб юрибман. Ҳақиқатан ҳам қўйларим бир жойни ҳеч ҳам босишмайди, нуқул айланиб ўтишади,» – дейди. Оллоқулихон ўша жойни кўрсатинг, дейди ва қўйларни ўша тарафга қараб ҳайдашади. Ҳақиқатан ҳам ўша жойга келишганида, қўйлар айланиб ўта бошлайдилар. Оллоқулихон ўша табаррук жойни белгилаб қўяди. Бу ўша зилзила ва сув тошқинида вайрон бўлган мақбаранинг ўрни бўлади.

Туши ўнгидан келиб отасининг ўрнига хон бўлган Оллоқулихон ўша жойда муҳташам мақбара қуришни буюради. Орадан бироз муддат ўтгач Оллоқулихон яна туш кўради. Тушида Султон Увайс шундай дейди: «Мен бир оддий одамман, умр бўйи камтар, ҳокисор яшадим. Шунинг учун одамларга айт,менинг ўзимга яраша камсуқум мақбара қурсинлар», – дейди.

Ўз қаърига миллатимиз ва она заминимизнинг узоқ асрлик тарихини яширган бу қадамжо бугун инсонлар дардига шифо излаб сиғинадиган, боболаримиз руҳидан мадад олиб турадиган табаррук жойга айланган.

– Зиёратгоҳга узоқ-яқиндан кунига минглаб зиёратчилар ташриф буюришади. Катта миқдорда даромад тўпланади, – дейди масжид имом хатиби Абдураҳим Ҳожи Аминжон эшон ўғли. – Ушбу маблағни иложи борича савобли ишларга сарфлашга ҳаракат қиламиз. Жумладан, масжидимиз томонидан Беруний туманидаги сил касалликлари шифохонаси, етим болалар яслиси оталиққа олинган бўлиб, мунтазам равишда масжид томонидан маблағ ажратиб турилади. Меҳр ва мурувват йилида масжидимиз томонидан хайрия тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, шу кунгача дастур асосида Беруний шаҳрида яшовчи 35 нафар боланинг ҳамда туман қишлоқларида яшовчи 16 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилиб, болаларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан омонат дафтарчалари очилди.

Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларимиздаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 45 та оиланинг ҳар бирига 10.000 сўмдан жами 450.000 сўм тарқатилди. Йил охиригача яна 20 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб бериш ва яна 50 та оилага хайр-эҳсон қилишни мўлжаллаб қўйганмиз.

Булардан ташқари, Султон Увайс бобо зиёратгоҳи мажмуасида айни кунда яна кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, зиёратчилар учун қулай ошхоналар қурилиб, янги меҳмонхона биноси қурилиши тугалланиш арафасида. Хайриядан тушган маблағ эвазига зиёратчилар келиб-кетадиган йўл асфальтланиб, текис ҳолга келтирилган. Ўтган йилларга бир назар ташлайдиган бўлсак 2001 йилда хайрияга тушган пул миқдори 6,5 миллион сўмни, 2002 йилда 9,3 миллион сўмни, 2003 йилда эса 14,5 миллион сўмни ташкил қилган. Ушбу маблағларнинг маълум қисми масжид-мажмуа қурилиши учун сарфланди. Маълум қисми Қорақалпоғистон Республикаси мусулмонлари қозиятига ўтказилиб, қолган қисми хайрия ишларига сарфланди.

Ушбу табаррук қадамжога келувчи зиёратчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳатто сўнгги йилларда Германия, Италия, Польша, Покистон, Эрон ва Туркия каби катта давлатлардан ҳам зиёратчилар ташриф буюришди. Бу албатта, асрлар мобайнида ўз сир-синоатлари билан кўпларни ҳайратга солиб келаётган Султон Увайс мақбараси дунё халқлари эътиборини ўзига жалб қилаётганидан далолат беради.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ**



Ёшликда тўрт фасл бирдек фусункор,
Хоҳ офтоб чиқсин, хоҳ ёғиб турсин қор.

Баҳор жозибаси, ёзнинг жилваси,
Кузнинг-да беназир таровати бор

## ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази ўзининг 70 йиллигини нишонламоқда. У 1934 йили республика ўсимлик ресурслари ҳудудий станцияси негизида ташкил топган эди. Шу давр ичида илмий муассасанинг фаолият доираси кенгайгандан кенгайди. Ботаника фанининг диёримиз шароитига мосланган қатор йўналишлари юзага келди.

Ўсимликлар дунёсини тадқиқ этиш, улардан амалиётда кенг фойдаланишга қаратилган илмий жараёнлар айниқса, самарали бўлди. Кўплаб монография, йирик илмий ишлар юзага келди. «Ўзбекистон қизил китоби»нинг бир неча жилди чоп этилди. Янги дарслик ва ўқув қўлланмалари шу илмий муассаса олимлари муаллифлигида босмага тайёрланди.

«Марказий Осиёда ботаника фанининг ривожланиши ва унинг ишлаб чиқаришга интеграцияси» деган мавзуда Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжуман ҳам марказнинг ушбу санасига бағишланади. Унда АҚШ, Италия, Япония каби 15 га яқин мамлакатдан келган олимлар қатнашиб, ботаникага оид замонавий назарий ва амалий йўналишларни атрофлича муҳокама қилдилар.

## ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Этнология бугунги кунда кенг маънода тушунилади. «Халқ» ёки «Этнос» маъносини англатадиган бу ибора кишиликнинг тарихий бирлигини ифодалайди.

Зеро, муайян тарихий даврнинг маҳсули сифатида шаклланган бу жараён кўплаб сўз, ибора ва атамаларни ўз ичига олади. Мазкур фан соҳасида олиб борилган самарали изланишлар асосида янги луғат юзага келди.

Таниқли тилшунос олимлардан Очил Бўриев ва Турсунпўлат Хўжамбердиев томонидан яратилган бу тадқиқот «Этнология атамаларининг қисқача изоҳли луғати» деган ном билан чоп этилди.

Этнологияга оид тушунчаларнинг луғавий мазмун-моҳияти кенг ёритилган мазкур нашрда турли тиллардан ўзбек тилига кириб келган сўзлар изоҳи ҳам берилган. Этнология атамаларини қисқача ўрганишда ҳам муҳим адабиёт бўлиб хизмат қилади.

**А.АЛИЕВ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари
**Шухрат АЛЛАНАЗАРОВ**нинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Исмат ота» масъулияти чекланган жамият иш фаолиятини тўхтатганлигини маълум қилади.
Ариза ва даъволар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида қабул қилинади.
**Тел: 133-17-20.**

**ISHONCH**
**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 23456